

ЯНВАРЬ ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ҚУВОНЧЛАРИ”.

Гуруҳ	ката гуруҳ					
Мавзу	Хушмуомалалик алифбоси”.					
Оралик	Январ 4-хафта					
Ривож-ланти-риш соҳаси бўйича мақсад	Қисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Атрофдагилар билан ҳиссий муносабатларини меёрда бўлишини шакллантириш.				
	Ўқимой-ҳиссий ривожлантириш	Диққат билан кўриш ва тинглаш малакаларини ривожлантириш. Қўндалик ҳаётда ўзини тутиш маданиятини шакллантириш. Дўстлари билан мулоқот қилиш ва келиб чиққан муаммоларни вазиятларни мустақил равишда бартараф этишга ўргатиш. Ўз-ўзига бўлган ишонч ва имкониятларини ривожлантириш.				
	Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик.	Мулоқотга киришиш ва нутқ маданиятини шакллантириб бориш. Нутқ маданиятини шакллантириш юзасидан олган билим ва қўндаларини мустаҳкамлаш. Келишув ва ярашув ибораларини, мақолларини, тез айтишларини ёд олдириш.				
	Билиш жараёни	Гуруҳдаги ва муассасадаги тенгдошлари билан ўзаро дўстона муносабатга киришиш йўллари ва жамоада ўзини тутиш одобини ривожлантириш.				
	Ўқимой ривожлантириш	Расмлар ва бадий адабиётларда керакли сўзларни (суҳбатлар, тушунтириш, хикоя, ўқиш, саволлар) топиш.				
Ривожлантириш марказлари		Ривожлантириш марказлари				
Фронтал машғулотлар(катта доира)		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш-яаш ва математика маркази	“Хатони топ” мантиқий ўйини орқали буюмларни таъмирлаш.		Дўстимга мойчечак совға қиламан”.		Қуриш-яаш жихозлари, намуна, мавзу асосида расмлар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаш маркази	“Икки қизганчиқ айик” эртагини сахналаштириш.		“Автобусда” сюжетли-ролли ўйин. “Меҳмон кутдик” сюжетли-ролли ўйин. “Дўконда” сюжетли-ролли ўйин.		Қаҳрамонлар кийми, авто-бус макети, рул, фуражка, чипта, қонтак-та, ошхона инжонлари, дўкон макети ва тегишли маҳсулотлар
	Нутқ ва савод	“Нима яхши-ю нима ёмон?” расм устида хикоя тузиш		“Ширин сўзлар билан қўирамиз”.		Қўргазмалар расмлар, АКТ, кичик хажмдаги ўйинчоқ ва буюмлар
	Ҳан ва табиат маркази	Сув буғланишини тажриба орқали ўрганиш.			Фонар чироқлари ёрдамида тажриба ўтказиш.	
	Санъат маркази	“Бу мен» мавзусида бола ўзидаги ҳислатларни намоиш этган ҳолда расм чизиш.		“Байрам табриги”. (Апликация)		Қонцелиярия моллари
	Музыка ва ритмика маркази	Қўшиқ тинглаш «Табассум», «Қўрганимизни қўрсатамиз»	Рақс ҳаракатлари «Жанжаллашдик-ярашдик» «Биз ўнгга борамиз»	Жуфтлик рақси «Доира»	Рақс «Сахий қўнғиз» Тематик кеча «Меҳр ва мулоимлик байрами»	ДВД, Қолонкалар, диск, кастюмлар.

Январ 4 хафта
“Ахлоқ-одоб алифбоси”.

Қуриш-ясаиш ва математика.

Мавзу: “Хатони топ” мантикий ўйини орқали буюмларни таъмирлаш.

Мақсад: Хатолар устида ишлайди, диққати ривожланади, мантикий фикрлаш даражаси ошади, шахсий ҳаётда учрайдиган айрим хатоликларни таҳлил қила олади, хатоларни ўз малакасига ишонган ҳолда тўғирлайди.

Керакли жиҳозлар: “Хатони топ” мантикий ўйини, тайёр кўринишдаги ғилдираклари тўртбурчак шаклдаги велосипед, ғилдиракли кема, эшиклари дераза ўрнида жойлашган бинолар, ғилдираксиз машиналар. Кубик, лево, турли геометрик шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Хатони топ” мантикий ўйинини ўйнаш.
2. Карточкалардаги хатоликни топиб уни таҳлил қилиш.
3. Ўйин карточкаларини бирма бир изохлаш.
4. Тайёр кўринишдаги ғилдираклари тўртбурчак шаклдаги велосипед, ғилдиракли кема, эшиклари дераза ўрнида жойлашган биноларни кўздан кечириш.
5. Буюмлардаги хатоликларни аниқлаш.
6. Уларни хатоларини бартараф этиш режасини тузиш.
7. Вазифани бажариш.
8. Барча буюмларни тўғри жамланганлигини таҳлил қилиш.

Қўшимча: Тарбиячи ва болалар ҳамкорлигида куннинг иккинчи ярмида янги таълимий ўйинлар яратиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Боладаги фикрлаш ва таҳлил қилиш малакаларининг шаклланганлиги, атроф-муҳитдаги буюмларга синчковлик билан назар солиши, ён атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслигига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Икки қизғанчиқ айиқ” эртагини сахналаштириш.

Мақсад: Инпривезация қила олади, актёрлик маҳоратини ривожланиб боради, очик қўл, сахий фазилатларини эгаллайди. Атрофдагиларни хафа қилмасликка ҳаракат қилади. Қизғанчиқлик иллатидан қандайдур миқдорда ҳалос бўлади.

Керакли жиҳозлар: Сахналаштириш учун мос ниқоблар, асал, стулчалар, эртак воқеалари тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар расмларни томоша қилиш ва эртак сюжетини эсга олиш.
2. Ролларни ўзаро тақсимлаш.
3. Қаҳрамоннинг кийимларини танлаб олиш ва образга кириш.
4. Эртакни сахналаштириш.
5. Болалар ижодини муҳокама қилиш.

Қўшимча қисм: Кичик гуруҳ тарбияланувчилари учун бирон бир эртакни сахналаштириб беришни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болада қизғанчиқлик одатини ёқолганлигига, мавзудан ўзига хулоса чиқара олганлигига, актёрлик қобилиятини ривожланганлигига, жамоада ўзини ижобий ҳислатларини намаён этишига.

Тил ва нутқ.

Мавзу: “Нима яхши-ю нима ёмон?” расм устида ҳикоя тузиш

Мақсад: Ўзидаги ёмон одатларни сезади уларни бартараф этиш чораларини кўради, ўз фикрини билдиради, луғат бойлиги кенгаяди. Расмларни таҳлил қила олади, ўзига хулоса чиқариш малакаси шаклланади. Яхши билан ёмонни ажрата олади, дўстлари ва яқинлари орасида яхши-ёмонни тарғибот қилади.

Керакли жиҳозлар: Яхши-ёмон одатлар тасвирланган расмлар, маркер, қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
 2. Расмлардаги ҳолатларни таҳлил қилиш.
 3. Нима учун яхши ва нима учун ёмон эканлигига жавоб излаш.
 4. Ёмон ҳолатлар тасвирланган расмларни маркер ёки қаламлар билан инкор белгисида белгилаш.
 5. Яхши ҳолатлар тасвирланган расмларни тасдиқ белгиси билан белгилаш.
 6. Ўзидаги яхши ва ёмон ҳислатларни эслаш ва солиштириш.
 7. Дўстлари билан ўзаро суҳбатлашиш.
- Қўшимча: Мавзу асосида АКТ орқали қўшимча маълумотлар бериш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Яхшини ёмондан ажрата олиши, атроф-муҳитга озор бермаслигига.

Мавзу: “Мен онамга ёрдамчи” мавзусида расмлар асосида ҳикоя тузиш.

Мақсад: Расм асосида ўзи учун керак ва зарурий билимларга эга бўлади, меҳнат қилишга иштиёқи ошади, ўзи яшаётган ўйини озода ва сарамжон тутишга одатланади. Оила аъзоларини саломатлиги ҳақида қайғуради ва уларнинг мушкулларини онсонлаштиришда кўмаклашади.

Керакли жиҳозлар: Мавзу асосида рангли суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратларни кузатиш.
2. Суратлардаги воқеа ва ходисани таҳлил қилиш.
3. У ерда болаларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш.
4. Ким айнан қандай меҳнат билан шуғилланаётганлигини аниқлаш.
5. Суратлар асосида ҳикоя тузиш.
6. Ҳикоялари билан дўстлари орасида ўртоқлашиш.

Қўшимча: Тарбияланувчилар билан меҳнат фаолиятини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Ҳикоя тузиш ва боғланган нутқини ривожланганлигига.

Фан ва табиат.

Мавзу: Сув буғланишини тажриба орқали ўрганиш.

Мақсад: Сувнинг яна бир хусусияти билан таниш, сув томчиларини қандай пайдо бўлиши ҳақида тушунчага эга, олиб борилган жараённи ақлан идрок эта олади.

Керакли жиҳозлар: оғзи маҳкамланган ичи кўринувчи елим идишда қайнаган сув, целофан ёки рангсиз елим бўлаклари, мавзуни ёритиб берувчи расмлар ва кўргазмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм ва кўргазмаларни томоша қилиш.
2. Мавзуни расм ва кўргазмалар орқали идрок қилиш ва у ерда қандай ходиса рўй бераётганлигини аниқлаш.
3. Ўз фикр ва мулоҳазаларини дўстларига баён этиш.
4. Оғзи маҳкамланган ичи кўринувчи елим идишдаги қайнаган сувни кузатиш.
5. Елим идишдаги сувдан чиқаётган буғнинг юқорига кўтарилиб, буғлар идишнинг қопқоғида йиғилиши натижасида томчиларни пайдо бўлаётганлигини кузатиш.
6. Пайдо бўлган томчиларни қайта идишга сув бўлиб тушиш жараёнини кузатиш.
7. Барча кузатилган жараёнларни умумлаштириш.
8. Ўзи учун хулоса чиқариш.

Қўшимча: Марказда олиб борилган фаолиятни барча гуруҳ тарбияланувчилари билан биргаликда яна бир бор такрорлаш ва жараёнга янги тажрибаларни киритиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг тажрибага нисбатан қизиқишлари ва уларнинг табиий ходисаларга нисбатан сезгиси (реакция).

Санъат маркази.

Мавзу: «Бу мен» мавзусида бола ўзидаги ҳислатларни намоиш этган ҳолда расм чизиш.

Мақсад: Ўз-ўзини таҳлили қилади, келажакдаги орзу ва мақсадларини ижодий ишда намайён этади, бажарган ишидан завқ олади ва ҳақиқатда ҳам шу орзу мақсадига эришишда ўз олдига режа қўяди.

Керакли жиҳозлар: Болакайнинг ён атрофида бутун бир жараён акс эттирилган мавзули сурат, мўйқалам, оқ қоғоз, фломастер, рангли қаламлар, идишда сув, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзули суратни кузатиш.
2. Болакай тасвирланган суратда унинг алоҳида эътиборга молик жиҳатларини аниқлаш.
3. Ўзидаги ҳислатларни бирма-бир таҳлил қилиш.
4. Ҳислатларини намайён этувчи “Бу мен” мавзусида расм чизиш. (жисмонан бақувват, меҳнатқаш, ўқимишли, ғамхўр, санътсеварликни акс эттирувчи)
5. Тайёр ишни таҳлил қилиш ва расм асосида ўзининг таржимаиҳолини айтиб бериш

Қўшимча: Гуруҳдаги тарбияланувчилар билан уларнинг қизиқишлари ва ҳислатлари билан ўртоқлашиш.

Кўриш-ясаш ва математика.

Мавзу: “Дўстимга мойчечак совға қиламан”.

Мақсад: Шаклларни фарқлайди, мантикий фикрлайди, намунага қараб ижод қилади, тенгдошлари билан фикр алишади, дўстона ғамхўрлик ривожланади.

Керакли жиҳозлар: Намуна, модул, тайёр шакллар, мойчечак гулининг расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мойчечак гулини кўриш у билан танишиш.
2. Ўзлари учун керакли шаклларни танлаб олиш.
3. Гулни ясаш.
4. Совғани тақдим этиш.

Қўшимча: Оригами усулида турли гулларни яшаш ва гуруҳни гуллар билан безатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қўл меҳнатига қизиқишига, ижодий қобилияти ва бор жихоздан унумли фойдалана олишига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Автобусда” сюжетли-ролли ўйин.

Мақсад: Автобусга чиқиш ва тушиш қоидалари билан таниш, манзилни белгилай олади, ўз истиқомат қиладиган шаҳар, кўча, маҳалла номларини билади, аниқ бир йўналишда манзилга бориш малакасига эга.

Керакли жихозлар: автобус ширмаси, машина рули, саҳна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Хаёлан автобусдаги ҳолатларни эслаш.
2. Ролларни ўзаро тақсимлаш.
3. Ўйинни тахминий режалаштириш.
4. Образларга кириш ва жихозлар билан қуролланиш.
5. Ўйин фаолиятини бошлаш.
6. Автобус ўриндиқларига ўтириш.
7. Чипта олиш.
8. Бекатларда тўхташ.
9. Манзилга етиш.
10. Ўйинни якунлаш ва таҳлил қилиш.

Қўшимча: Автобусда ўзини тутиш катталарга, ёш болаларга инсонларга, касал ва ногирон, кекса инсонларга жой бериш, жамоат транспортларини ифлослантормаслик ҳақидаги суҳбатни ташкил этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Маданияти, катталарга нисбатан ҳурмати, нутқнинг равиолиги.

Мавзу: “Меҳмон қутдик” сюжетли-ролли ўйин.

Мақсад: меҳмон қутиш, дастурхон безаш, меҳмонни ҳурмат қилиш, меҳмон олдида ўзини тутиш маданияти, дастурхон одоби ва саломлашиш малакалари ривожланади.

Керакли жихозлар: Хонтахта, кўрпача, болиш, стол, стул, ясама нон ва мевалар, идиш-товуқлар жамланмаси, совға.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин учун шароитни яратиш.
2. Ролларни ўзаро тақсимлаш.
3. Меҳмон учун дастурхон безатиш.
4. Ошхонада фаолият ташкил этиш. (овқат тайёрлаш)
5. Меҳмонни қутиб олиш.
6. Меҳмонни уйга таклиф этиш ва саломлашиш.
7. Меҳмон учун нозу-неъматлар келтириш.
8. Турли мавзуларда суҳбат уюштириш.
9. Меҳмонни совғалар билан қузатиш.
10. Меҳмон кетгандан сўнг уйни қайта тартибга келтириш.

Қўшимча: Қўшни гуруҳ тарбияланувчиларни гуруҳга меҳмонга таклиф қилиш ва уларни меҳмон қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Жамоатда, дастурхон атрофида ўзини тута олиш маданиятига. Хушмуомалалик ва саломлашув одобиға.

Мавзу: “Дўконда” сюжетли-ролли ўйин.

Мақсад: сотувчи касбининг қийинчиликлари билан таниш, пул билан мулоқот қила олади, харид қилиш жараёнида махсулотни килосига, литрга ва сонга нисбатан малакалари шаклланган, образга кира олади, реал ҳаётга таёрланади.

Керакли жиҳозлар: Дўкон макети, ясама пуллар, терминал, пластик карточкалар, сават, турли хилдаги махсулотлар муляж ва макетлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларга бўлиниш.
2. Сотувчи образида дўкон растасидан жой олиш.
3. Харидорни кутиб олиш.
4. Дўкон хизматчиси томонидан харидорга махсулотлар тўғрисида маълумот бериш.
5. Харидорга керакли махсулотини олиб бериш.
6. Хариддан сўнг ғазна олдига келиш.
7. Харид қилинган махсулотлар қийматини ҳисоблаш.
8. Харид учун тўловни амалга ошириш.
9. Махсулотларни тартиб билан жойлаш.
10. Харидорни кузатиш.
11. Ўйин якунида харидор қўлида қолган маблағни ҳисоб китоб қилиш.

Қўшимча: Математик мисол ва масалалар ечиш орқали болада пул билан мулоқот қилиш кўникмаларини янада шакллантириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Математик тасаввурлари шаклланганлиги, тежамкорликка ўрганганлигига.

Тил ва нутқ.

Мавзу: “Ширин сўзлар билан чқирамиз”.

Мақсад: Сўзлашиш одоби, нутқ маданияти, жонли ва жонсиз табиатга нисбатан эркалаб номлаш ҳамда чақириш кўникмалари кенгайди. Сўзларга қўшимча қўшиш орқали сўз тузади, сўз бойлигига янги сўзлар кўпаяди.

Керакли жиҳозлар: Жонли ва жонсиз табиатнинг кичик ҳажмдаги расмлари тасвирланган кўргазма, мавзу асосида овозли ёки видео шаклдаги методик қўлланма.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўргазмани томоша қилиш.
2. АКТ орқали намоиш этилаётган лавҳа ёки овозли ёзувни кўриш, тинглаш.
3. Кўрган ва тинглаган лавҳаларини таҳлил қилиш.
4. Лавҳада номлари кичрайтирилган жонли ва жонсиз табиатни карточкалар орасидан топиш.
5. Хотирасида қолган маълумотлар орқали карточкадаги расмларни кичрайтириш, эркалаш кўринишида номлаб чиқиш.
6. Ихтиёрий буюмларни мустақил кичрайтириш ёки эркалаш кўринишида номлаш.
7. Олган янгиликларини дўстлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: Гуруҳ тарбияланувчиларига дўстларини эркалаш ва кичрайтириш қўшимчаларини қўшган ҳолда чақиришни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қўшимчаларни тўғри қўша олиш малакасига, сўздан сўз ясай олиш малакасига, кундалик ҳаётда шу сўзлардан фойдаланишига. Нутқидан айнан шу сўзларнинг жой олганлигига.

Фан ва табиат.

Мавзу: Фонар чироқлари ёрдамида тажриба ўтказиш.

Мақсад: Фонар чироқларининг фойдали томонларини билади ундан фойдаланиш малакасига эга, фонардан қандай касб эгалари мунтазам равшда фойдаланиши ҳақида билади.

Керакли жиҳозлар: Фонар, турли ҳажмда: қалин, юпқа қоғозлар, матолар, палатка, тунгги қоравул, чилангар, шахтёр касб эгалари тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Нима учун айнан шу касб эгалари мунтазам фонардан фойдаланишларини аниқлаш ва сабабини таҳлил қилиб кўриш.
3. Фонарни ёқиш ва уни ўчириш малакларини шакллантириш.
4. Фонарни гуруҳнинг турли томонларига тушириб кўриш.
5. Марказдаги қалин, юпқа қоғозлар ва матоларни олиш.
6. Кетма-кет қоғоз ва матони фанар устига ёпиш.
7. Фонарни ёқиб кўриш.
8. Фонардан тушаётган ёруғликнинг ёрқинлик даражасини таҳлил қилиш.
9. Таҳлилни сабабларини аниқлаш.
10. Палаткага кириш.
11. Палатка ичида фанарни ёқиб ёруғликни ҳис қилиш.
12. Қўл бармоқчалари билан палатка деворларига турли шакллар соясини тушириш.

Қўшимча: Жамоа бўлиб соя театирини намойиш этиш.

Эътиборга молик жиҳати: тажрибалар ўтказишда боланинг қизиқишлари ва тажрибани бола ҳаётидан ўрин олганлиги, тажриба ёки назариянинг натижавийлигига.

Санъат маркази.

Мавзу: “Байрам табриги”. (Аппликация)

Мақсад: Байрам арафасида яқинларининг кайфиятини кўтариш йўлини билади, ўз ижодини намойиш қилади, тасвирий фаолият турларидан унумли фойдалана олади, нафислик ва санъатга қизиқиши кучаяди.

Керакли жиҳозлар: Намуналар, қайчи, рангли қоғозлар, қаламлар, елим, безак учун мунчок, майда гуллар, лента, қоғоз салфеткалар, рангли бўёк, гуаш, гупка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни томоша қилиш.
2. Режа тузиб олиш.
3. Режа асосида қуролланиш.
4. Ижодий иш.
5. Дўстларидан маслаҳат ва фикрлар олиш.
6. Тайёр ишни қўшимча безаклар, табрик сўзлари билан бойитиш.
7. Совғани тақдим этиш.

Қўшимча: Катта ҳажмдаги байрам табрикномасини жамоа бўлиб яшаш ва у ерга ҳар бир боланинг ота-онаси, биви-бувалари учун тилаклари билан тўлдириб гуруҳ кириш йўлакчасига қўйиб ота-она ва буви-буваларга ўқитиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Навбатдаги байрамларда боланинг ушбу табрикномаларни ясаши ва тақдим этишига.